

IX 9 Белги

Жамоатнинг вазифаси нима?



Жонатан
Лиман

Жамоатга доир саволлар

Жамоатнинг вазифаси нима?



Муаллиф: Жонатан Лиман

Жамоатга доир саволлар

Жамоатга доир саволлар тўплами ҳақидаги ижобий фикрлар

“Масихийлар жуда жиддий саволларга дуч келишади. Муқаддас Битиклар қандай қилиб жамоатни барпо этади, саждани тартибга келтиради, хизматни ташкил қилади ва Каломдаги йўлбошчиликни таърифлайди? Бу “9 Белги”га тегишли ушбу янги тўпланда аниқ, диққат билан ва қизиқарли тарзда жавоб берилган саволлардан бир нечта мисолларидир. Мен бу хизмат учун ва унинг кўплаб содиқ жамоатларга фавқулодда соғлом ва умид берувчи таъсири учун миннатдорман. Бу тўпламни бажонидил тавсия қиламан.”

Р. Алберт Моллер (R. Albert Mohler Jr.),
The Southern Baptist Theological Seminary
президенти

“Самимий саволлар мулоҳаза билан жавоб беришга арзийди. Агар сиз бу саволларга жавоб беришни нимадан бошлашни билмасангиз, бу тўплам ҳовузга сакраш учун трамплин сифатида сизга хизмат қилсин. Бу кичик китоблар қизиқарли даражада мақсадли ва битта дўст ёки юзлаб дўстлар билан бирга ўқиш учун ажойиб тарзда мос келади.”

Глория Фурман (Gloria Furman),
"Missional Motherhood" ва
"The Pastor's Wife" китоблари муаллифи

“Чўпон сифатида менга кўп саволлар беришади. Менга Хушxabарни тушунишни истаётган имонсизлар, энди ҳаётида нима қилишни билмаётган янги имонлилар ҳамда имонли оила аъзолари, қариндошлари, дўстлари, қўшнилари ва ҳамкасблари саволларига жавоб олишни истаётган етукликка интилаётган имонилар мурожаат қилишади. Айнан шундай пайтларда уларнинг саволларига қисқача жавоб бера оладиган ва кейинги ўрганиш учун тўғри йўналиш кўрсата оладиган китобим бўлишини истардим. Жамоатга доир саволлар тўплами ана шу имкониятни тақдим қилади. Ҳар бир рисолада келтирилган масала Каломга асосланган, ихчам ва амалий тарзда ёритилган. Тўпلام Жамоат саволлари деб номланса бўлади, лекин у “Жамоат жавоблари” деб аталиши ҳам мумкин эди. Мен мунтазам равишда уларнинг бир нечтасини танлаб, бошқалар билан бўлишишмоқчиман. Сизга ҳам шундай қилишни тавсия қиламан.”

Хуан Р. Санчес (Juan R. Sanchez),
High Pointe Baptist Church катта чўпони,
Аустин шаҳри, Техас

“Биз, масиҳийлар қалин ва қиммат китобларни варақламасдан туриб, жамоатдаги масиҳий ҳаёт ҳақида умумий саволларимизга ишончли жавобларни қаердан топа оламиз? Жамоатга доир қаердан тўплами бизнинг эҳтиёжларимизни Каломга асосланган, чуқур ўйланган ва амалий бўлган жавоблар билан қондиради. Чўпонлар учун бу тўплам жамоат аъзоларини чуқур донолик ва мустақкам бирлик сари йўналтириш учун ишончли манба бўлиб хизмат қилади.”

Рей Ортлунд (Ray Ortlund),
Renewal Ministries президенти

Жамоатнинг вазифаси нима?

Жамоатга доир саволлар бўлган китобчалар

***Худо ҳаммани севадими?,*

Матт Мак Куллоҳ

Менга устозлик қиладиган одамни қандай топсам бўлади?,

Ж. Гарретт Келл

*Муқаддас Китобни ўқишдан қандай қилиб кўпроқ
завқлана оламан?,*

Жереми Кимбл

*Бошқача сиёсий қарашга эга бўлган жамоат азоларини
қандай сева оламан?,*

Жонатан Лиман ва Анди Населли

Жамоатимда қандай хизмат қилишим мумкин?,

Меттью Эмади

*Жамоатимизда қандай қилиб садоқатли чўпонни топа
олиши мумкин?,*

Марк Девер

***Аёллар маҳаллий жамоатда қандай қилиб руҳан
ўсишлари мумкин?,*

Кери Фолмар

Жамоатдаги интизомий чорани қўлаш севги амалими?,

Жонатан Лиман

Ибодат қилишни хоҳламасам-чи?,

Жон Онвучеква

Жамоатга боришни хоҳламасам-чи?,

Гуннер Гундерсен

*Хушxabарчилик фаолиятимдан қониқмасдан,
умидсизликка тушсам-чи?,*

Изак Адамс

Ҳозир мен масиҳийман, нима қилишим керак?

Сам Эмади

Раббимиз Кечлиги нима учун бу қадар муҳим?

Аубрей Сеқуеира

Нима учун чўндирилишим керак?

Боббй Жамиесон

***Жамоатимга нима учун қурбонлик беришим керак?*

Жейми Дунлоп

Нима учун жамоатга қўшилишим керак?

Марк Девер

***Жамоатнинг вазифаси нима?*

Жонатан Лиман

Мен нажотга эришганимга қандай амин бўлишим мумкин?

Жереми Пиерре

Аёл киши чўпон бўлиши мумкинми?

Грег Гилберт

Жамоатга қатнамайдиган аъзолар борасида нима қилишимиз мумкин?

Алекс Дюк

Мен хизматга даъват этилганманми?

Брад Вҳилер

Халқаро элчилик хизматини қандай қўллаб-қувватлашим мумкин?

Марк Коллинс

Хушxabар соғлик ва фаровонлик ваъда қиладими?

Шон ДиМарс

Жамоатни ким бошқаради?

Сам Эмади

Диаконлар (хизматчилар) нима қилишади?

Хуан Санчес

Мен жамоатда нимани излашим керак?

Алекс Дюк

Дўзах ҳаққонийми?

Дейн Ортлунд

Мен нимага ишонишим аҳамиятга эгами?

Самуел Жамес

Эски Аҳд чиндан ҳам Исога ишора қиладими?

Давид Кинг

Муқаддас Китобни ўргатишни қандай бошласам бўлади?

Давид Ҳелм

Чўпонларимни қандай рағбатлантирсам бўлади?

Камрин Замора

Қандай қилиб меҳмондўстликда ўсишим мумкин?

Кери Фолмар

Якшанба кунги хизматлардан қандай қилиб кўпроқ марҳамат олишим мумкин?

Эрин Уилер

Бошқаларга қандай устозлик қилишим керак?

Ж. Гаррет Келл

Гуноҳ ва васвасага қарши қандай курашишим керак?

Ж. Гаррет Келл

Бошқаларга Хушxabар айтишни қандай бошлашим керак?

Мак Стайлс

Худо ҳақиқатан ҳам олий-ҳукмронми?

Конрад Биви

Худонинг элчиси бўлишим керакми?

Энди Жонсон

Жамоатимдан ранжиган бўлсам-чи?

Даниел Миллер

Жамоат нима?

Меттью Эмади

****Ўзбек тилида мавжуд**

Жамоатга доир саволлар

Жамоатнинг вазифаси нима?

Муаллиф: Жонатан Лиман

CROSSWAY
Wheaton, Illinois
2022

Church Questions

What is the Church's Mission?

Jonathan Leeman

CROSSWAY
Wheaton, Illinois
2022

Жамоатнинг вазифаси нима?
Жонатан Лиман томонидан
Муаллифлик ҳуқуқи © 2026 йил
Марварид Хизматлари



What is the Church's Mission?

By Jonathan Leeman

Copyright © 2022 by "9Marks"

Published by Crossway, 1300 Crescent кўчаси, Уитон шаҳри,
Иллиной штати 60187.

Барча ҳуқуқлар ҳимояланган. Бу нашрнинг бирор қисми қайта чиқарилиши, қидириш тизимида сақланиши ёки бошқа шаклда, бошқа йўл билан, электрон, механик, фотонусха, кўчириб олиш ёки бошқа усул билан нашриётни олдиндан огоҳлантирмай етказилиши мумкин эмас. АҚШнинг муаллифлик ҳуқуқида кўзда тутилган қонунлари бундан мустаснодир. Crossway АҚШда рўйхатдан ўтган савдо белгиси ҳисобланади.

Originally published in English by Crossway with all International rights owned by Crossway and 9Marks

This edition published by arrangement with 9Marks.

All rights reserved.


Муқаддас Битиклардан парчалар 2024 Муқаддас Ёзувнинг [МЁ]
сўзма-сўз таржимасидан олинган. Рухсат билан ишлатилади. Барча
ҳуқуқлар ҳимояланган.

Муқаддас Битиклардан олинган парчалардаги таъкидлар муаллиф
томонидан киритилган.

9Marks ISBN: 979-8-89218-232-4

Исо уларга яқинлашиб, шундай деди:
“Осмонда ҳам, ерда ҳам бор ҳокимият Менга
берилган. Шундай экан, боринглар ва барча
халқлардан шогирд орттиринглар. Уларни Ота,
Ўғил ва Муқаддас Руҳ номи билан сувга чўмдириб,
Мен сизларга буюрган барча нарсаларга риоя
қилишни ўргатинглар. Мана, то дунёнинг охиригача
ҳар куни Мен сизлар билан биргаман. Омин”.

Матто 28:18-20



Жамоатнинг вазифаси ҳақидаги китоб бироз мавҳум ёки академик бўлиб туюладими? Эҳтимол, бу сизнинг кундалик масиҳий ҳаётингизга унча мос келмас?

Мен бунинг, айниқса, сиёсий ва маданий нотинчлик замонида жуда долзарблигини ва муҳим аҳамиятга эга эканлигини айтмоқчиман.

Одамлар сиёсий бўлиниш ёки маданий таназзул босимини ҳис қилишганида, улар гаплашмоқчи бўлган нарса фақатгина шундан иборат бўлиб қолади. Улар ижтимоий тармоқларда "Ҳозир ўз муносабатимизни билдириш ва курашишнинг айна вақти" деб ёзадилар. Бу ҳақида ёзаётган пайтимда сиёсий консерватив масиҳийлар ЛГБТ+ (тўлиқ талқини: лезбиан, гей, бисексуал ва транссексуал одамларни номлашда ишлатилади) инқилобчиларига ва диний эркинликка таҳдидларга жавобан шундай дейишмоқда. Баъзи масиҳийлар ирқчилик ва тизимли адолатсизлик ҳақида ҳам шундай дейишади. Қанча масиҳийлар КОВИД-19 карантинлари, ниқоблари ёки вакциналарига жавобан ўз муносабатларини билдиришга қарор қилишди?

Шунга қарамай, қаерда бўлишингиздан ва қайси даврда яшашингиздан қатъи назар жамоатнинг вазифаси мавзусини кўриб чиқишда зудлик билан ҳаракат қилиш фикри эътиборга лойиқдир. Жамоатнинг вазифаси – Исо жамоатни бажаришга чақирган амалдир, лекин У бизни бажаришга чақирган амалга бўлган ишончимиз кўпинча, нафақат У томонидан, балки биз бошдан кечираётган сиёсий ёки иқтисодий қийинчиликлар билан ҳам шаклланади. Ушбу ҳақиқатлар энг долзарблари деб ҳисобланади. Шундай қилиб, агар сиз масиҳий сифатида Муқаддас Китобингизни очиб, ушбу қийинчиликларга зиғирчалик боғлиқ бўлган бирон бир нарсани топа олсангиз, жамоатнинг вазифасини ўша қийинчиликлар атрофида шакллантиришга ҳаракат қиласиз.

Беҳаловат бўляпсизми? Муқаддас Китоб зулмга қарши туради. Шу сабабли, жамоат зулмга қарши туриш учун мавжуд деб айтишингиз мумкин.

Миллатингизнинг маънавияти таназулга юз тутишидан ҳеч хавотирланганмисиз? Муқаддас Китоб миллатнинг маънавияти таназулга юз тутишига қарши туради. Шундай экан, жамоат миллат маънавиятини ҳимоя қилиш учун мавжуд дейишингиз мумкин.

Адолатли ҳукуматга бефарқ эмасмисиз? Камбағаллар ҳақидачи? Моддий марҳаматлар ҳақидачи? Ҳаётингиздан мақсад топиш ҳақидачи? Оилангизнинг соғлиги ҳақидачи? Муқаддас Китобда буларнинг барчасига эътибор қаратилган. Шунинг учун, жамоат асосан, шу нарсалар учун мавжуд деб айтишингиз мумкин. Ҳеч бўлмаганда бу сизда кучли хоҳиш уйғотади.

Мен шундай чўпонларни биламан-ки, улар йигирма йил аввал одамларга қандай овоз беришни ўргатиш ёки кўча намоёишларига етакчилик қилиш уларнинг хизмат вазифасига кирмайди, деб таъкидлашган. Сўнги йилларда бу ўзгариб кетди. Уларнинг айтишича, мисли кўрилмаган замонлар мисли кўрилмаган чора-тадбирларни талаб қилади. Бундай шароитлар уларнинг зудлик билан ҳаракат қилиш ҳақидаги фикрларини ўзгартирди.

Шубҳасизки, баъзан ўз фикримизни билдириш ёки ноодатий ишларни қилиш керак бўлган пайтлар бўлиб қолади. Айнан шу пайтларда жамоатларимиз издан чиқиб кетмаслиги учун яна ҳам эҳтиёт бўлишимиз керак. Низолар кучайганда васвасага берилиш кўпаяди. Ҳаммасидан ҳам кўпроқ, маданий тартибсизликлар ва сиёсий ғалаёнлар даври Муқаддас Китобни ўрганишимизни икки бараварга оширишимизни талаб қилади.

ИШ КУНЛАРИ ВА ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИНГИЗНИ ҚАНДАЙ ЎТКАЗАСИЗ?

Умуман олганда, жамоатнинг вазифаси ҳақидаги турли қарашлар масиҳийча ҳаёт ҳақида турлича фикр юритишга олиб келади. Иш кунларингиздан бошланг. Касбий хизматга бориш яхшироқми? Агар ундай бўлмаса, масиҳийликка боғлиқ равишда ишингизга қандай муносабат билдирасиз?

Оқшом пайтларингиз ва шанба кунларингиз ҳақида ўйлаб кўринг. Қўшниларингиз билан танишишни биринчи ўринга қўйишингиз керакми? Хушxabар айтишничи? Бошпанасизларга хизмат

кўрсатадиган жойларда кўнгилли бўлиб хизмат қилиш ҳақидачи? Сиёсатга кўпроқ аралашиш ҳақидачи?

Якшанба кунлари ҳақида айтадиган бўлсак, жамоат йиғилганда нима билан машғул бўлиши керак – масиҳийларга Хушxabар айтишни ўргатиш керакми ёки тизимли адолатсизликларга қарши курашишни ўргатиши керакми? Қандай ишларни биргаликда бажаришим керак – хизмат сафарларигами ёки бошпанасиз одамларга овқат берадиган ошхоналарга ҳомийлик қилишимиз керакми?

Бу каби саволлар масиҳийларнинг юрагига оғир ботиши мумкин ва биз етарлича хизмат қилмаётганимиз учун ўзимизни айбдор ҳис қилишимиз мумкин. Албатта, Исо одамларни ҳамма нарсадан воз кечиб Унга эргашишга чақиради. Лекин амалда бу нимани англатади?

Бундай олиб қараганда, жамоатнинг вазифаси ҳақидаги суҳбат келгуси ҳафта вақтингизни қандай ўтказишни ҳал қилишдан кўра кўпроқ аҳамиятга эга. Бу суҳбат бутун ҳаётни ва коинотни, ҳозирги ва келажакдаги нарсаларни, ҳатто жаннат ва дўзахни ҳам ўз ичига олади. Агар дўзах ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлса ва тавба қилмаган одамлар ҳақиқатан ҳам у ерга борадиган бўлса ва уларни огоҳлантириш ҳақиқатан ҳам жамоатингизнинг вазифаси бўлса, сиз ва мен бу ҳақиқатни тезда ҳал қилишимиз керак.

Ҳақиқатан ҳам, жамоатнинг вазифаси ҳақида қайғуришингиз керак, чунки масиҳий сифатида нотўғри нарсалар ҳақида қайғуриш эмас, балки ҳаётингизни тўғри нарсаларга, яъни муҳим нарсаларга бағишлашингиз керак.

ҚАНДАЙ ЖАМОАТДА АЪЗО БЎЛАСИЗ?

Жамоатнинг вазифаси ҳақидаги суҳбат сиз қандай жамоатда аъзо бўлишингизга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Турли жамоатлар юрагингизни, руҳий ҳаётингизни ва ибодатингизни ўзгача шакллантиради. Жамоатингиз “одатий, тўғри масиҳийлик” деб ҳисоблаган нарсани сиз ҳам тез орада “одатий, тўғри масиҳийлик” деб ҳисоблай бошлайсиз. Ваъзхон ва жамоат аъзолари маълум бир мавзуга алоҳида урғу берадиган жамоатга бир неча йил борсангиз, сиз ҳам тез орада ана шу мавзуга эътибор қаратасиз. Агар улар бошқа мавзу ҳақида гапирса, сиз ҳам ана шу мавзуда гапира бошлайсиз.

Шу сабабли, ҳаётингиздаги энг муҳим руҳий мақсадларингиздан бири қуйидагича бўлиши лозим: ўзингиз ва оилангиз вазифаси Муқаддас Битикнинг таълимотини акс эттирадиган жамоатга боришингиз ҳамда ўша жамоат аъзоси бўлишингиз керак.

Шундай бўлса ҳам эътиборли бўлинг. Мен эътиборингизни ўз вебсайтларида бир хил имон гувоҳликларини жойлаштирган тўртта жамоатга қаратмоқчиман. Бирор якшанба куни эрталаб ушбу тўртта жамоатга бориб, уларнинг сарф-харажатларини текширинг ёки чўпонларнинг ижтимоий тармоқдаги саҳифаларини томоша қилинг, шунда сиз бу жамоатлар турли қўлланмаларга амал қилишини билиб оласиз.

Биринчи жамоат Буюк Топшириқ ва Исонинг шогирд орттириш ҳақидаги буйруғига эътибор қаратади. Бироқ, улар "шогирдлар орттиринг" деганда, "имонлиларни кўпайтиришни" назарда

тутишади. Шундай қилиб, биринчи жамоат маҳаллий жамоатлар асосан Хушxabарни етказиш учун мавжудлиги сабабли жамоатдаги ҳамма нарсани масиҳий бўлмаганларга қаратади. Уларнинг баъзилари масиҳийча ўсиш ҳақида гапирса-да, уларнинг дастурлари Масиҳнинг танаси ёки оилага эмас, балки ҳар бир алоҳида шахсга қаратилган. Улар ўзларининг Хушxabарини ёйиш ва ёрқин, бирлашган, руҳияти ўзгача оила бўлиш ўртасидаги боғлиқликни фаҳмламайдилар. Биринчи жамоатнинг вазифаси қўлланмасига асосланиб, келинг, уни *Изловчилар Жамоати* деб атайлик.

Иккинчи жамоат биринчи жамоатга (Изловчилар жамоати) ўхшайди, лекин у ўрта табақали ижтимоий гуруҳнинг мақсад каби нарсаларга бўлган интилишларига камроқ мурожаат қилиб, кўпроқ инсоннинг соғлиқ ва бойликка бўлган асосий истакларига мурожаат қилади. Уларнинг якшанба кунисидаги хизматида бизда етарлича имон бўлсагина, Худо бизни баракали қилишни хоҳлаши ҳақида эшитасиз. Ушбу жамоатнинг китобига асосланиб, келинг, иккинчи жамоатни *Фаровонлик Жамоати* деб атаймиз.

Биринчи ва иккинчи жамоатлар Исо ер юзига биз учун келганини таъкидласа, учинчи ва тўртинчи жамоатлар биз ер юзида Исо учун яшашимиз кераклигини таъкидлайди. Учинчи жамоатни биз *Адолат Жамоати* деб аташимиз мумкин. Якшанба куниси уларнинг хизматида борганингизда сиз ваъзхоннинг биз бечораларга ғамхўрлик қилишимиз, миллатнинг тузилмавий адолатсизликларига

кўзимизни каттароқ очишимиз, атроф-муҳитга эътибор беришимиз ва умуман олганда дунёда яхшилик қилишимиз кераклиги ҳақида ваъз қилаётганини эшитасиз.

Тўртинчи жамоат учинчи жамоатнинг яна бир туридир, аммо у ҳомилани олдириш, бир жинсли никоҳ ва диний эркинлик каби сиёсий консерваторларга тегишли бўлган тизимли адолатсизликларга эътибор қаратади. Уни *Солиҳ Миллат Жамоати* деб номланг. У халқни ахлоқий таназзулдан қутқариб, уни масиҳийлик учун хавфсиз ҳолга келтиришни хоҳлайди.

Энг яхши жиҳати, Адолат Жамоати ҳам, Солиҳ Миллат Жамоати ҳам шогирд орттиришга, масиҳийларнинг руҳий ҳолатига ва биродарларимизни севиш буйруғига эътибор қаратади. Энг ёмони, улар Фарзийлик томон секин-секин қадам қўйишлари мумкин, яъни Муқаддас Битикда мавжуд бўлмаган қонунларни ва сиёсий қарорларни яратишади. Якшанба кунини жамоат аъзолари жамоатдан кета туриб, ҳаётларидаги иноят учун Худога шукрона келтиришмайди, балки руҳий ва сиёсий эътиқодлари туфайли ўзларини бошқа одамлардан устун деб ҳисоблашади.

Шуни тан олиш керакки, бундай мисоллардан талайгинасини кўплаб жамоатларда кўришимиз мумкин. Жамоатингизни масхара қилиш фикридан йироқ ҳолда, ҳаммамиз эҳтиёткор бўлишимиз учун шунчаки ҳар хил шахсларни ёритиб бераяпман.

Қолаверса, мен жамоатлар орасидаги баъзи фарқлар Худодан эканлигига ишонаман. Худди

Уолл-стритда ишлайдиган якка тартибдаги масиҳий киши ва хароба мактабда ўқитувчилик қиладиган киши ҳар хил кундалик вазифаларига эга бўлгани каби, шаҳар чеккасидаги жамоат кучли қалб васийлиги хизматига эга бўлса, қочқинлар лагерига яқин жойлашган қўшни жамоат эса камбағалларга хизмат қилишда устун бўлиши мумкин. Худога ҳамду санолар бўлсин!

Шунга қарамай, бизни ўраб турган иқтисодий муаммолар ва сиёсий ўзгаришларга сезгир бўлиш ва бу муаммолар ва ўзгаришлар томонидан бошқарилиш ўртасида фарқ бор. Жамоатлар ташқи таъсирлар орқали бошқарилганда, уларнинг қўлланмалари — яъни ўз вазифаларига бўлган қарашлари — осонликча Муқаддас Китобдаги нотўғри ёндашувларга ва дунёвий қарашларга бўйсунди. Ушбу тўртта жамоат Каломда асосланган этиқодига эга бўлишига қарамасдан, Изловчилар Жамоати моддийликка, Фаровонлик Жамоати материализмга, Адолат Жамоати сиёсий ислоҳотларни қўллаб-қувватлашга ва Солиҳ Миллат Жамоати миллатчиликка берилиб кетганлик аломатларини кўрсатади.

Агар сиз ва мен бошқа замон ва миллатга мансуб бўлсак, сиз турли жамоатларга нисбатан бошқача фирқда бўлишингиз мумкин. Муаммо йўқ. Кўрганингизни тасвирлаб беринг. Лекин сиз бир нарсани тушунишингиз керак: жамоатнинг вазифаси ҳақида гапирганимизда, унинг қўлланмаси бизнинг баъзан яхши, баъзан ёмон вақтинча давом этадиган ташвишларимизга асосланиб ёзилишига осонгина имкон берган бўламиз. Биз бундай

нарсаларга ортиқча урғу ва нотўғри тавсиф бериб, ҳаттоки уларни руҳий бутга айлантириб қўйишимиз эҳтимолдан йироқ эмас. Бу ғалати туюлиши мумкин, лекин жамоат аслида Муқаддас Китоб томонидан тасдиқланган нарсаларни тарғиб қилиши ва барибир дунёвий қарашларга таяниши мумкин.

Юқорида айтиб ўтган фикримга қайтадиган бўлсак, қайси жамоатга қўшилиш ҳақида қарор қилиш сиз қилишингиз мумкин бўлган энг муҳим руҳий қарорлардан биридир, чунки жамоатингиз сизни дунёвий қарашлар ёки Муқаддас Китобга оид нарсалар билан турли даражада шакллантириши мумкин. Ўз навбатида, сиз оқшомларингизни ва дам олиш кунларингизни, ишингиз ва оилангизни яхшироқ ёки ёмонроқ мақсадларга бағишлайсиз.

ШОГИРД ОРТТИРИШ, ШОГИРД БЎЛИШ

Келинг, ушбу китобда тавсия этилган жамоат қўлланмасини тақдим этадиган бешинчи жамоатни тасвирлаб берай. Мен бу жамоатни *Шогирдлар Жамоати* деб атайман. Изловчилар Жамоати сингари, Шогирдлар Жамоати ҳам бизнинг вазифамиз Буюк Топшириқдан – “Шогирд орттириш”дан келиб чиққанини айтади. Шунга қарамай, Адолат Жамоати ва Солиҳ Миллат Жамоатидаги аъзолар локомотивга уланган поезд унинг орқасидан эргашганидек, “Худони сев ва яқинингни сев” деган Буюк Амрга эргашганларини эшитишдан хурсанд бўлишади. Ахир, Буюк Топшириқ бизга “шогирд орттиришни” буюради, шу билан бирга “[Исонинг] амрларини бажаришни” ҳам буюради.

Шогирдлар Жамоатининг ҳафталик йиғилишида қатнашсангиз, бизнинг гуноҳимиз ва Худонинг ҳукми ҳақидаги ёмон хабарни эшитасиз, лекин кейин Исо Масиҳ бизни гуноҳдан озод қилиш учун тўлов сифатида ўлиши ва тирилиши ҳақидаги Хушхабарни ҳам эшитасиз. Ушбу Хушхабарни ёдда тутган ҳолда, бу жамоат “шогирд орттириш” учун ишлайди. Шогирд Исонинг издоши ҳисобланади.

“Шогирд орттириш” фақатгина Хушхабарни етказиш ва одамларга масиҳий бўлиш учун ёрдам бериш билан чекланиб қолиш дегани эмас, балки одамларга масиҳий бўлиб шаклланишда ёрдам беришни ҳам ўз ичига олади. Келинг, шу тўғрисида бир фикр юритиб кўрамиз. Дарахт устида уйча, торт ёки бошқа бирор нарсани “тайёрлаш” дегани ҳам ишни бошлаш, ҳам уни охирига етказиш демакдир. Фақат пиширилмаган хамир солинган идишни кўрсатиб, “мен торт тайёрладим”, деб бўлмайди. Худди шундай, Исонинг шогирдлар тайёрлаш ҳақидаги амри одамларни имонга чўмдириш ва Унинг барча буйруқларига итоат этишни ўргатишни ўз ичига олади. Бу бутун масиҳий ҳаётини – чақалоқликдан етукликкача қамраб олади.

Шу сабабли, Павлус айтганидек, "ҳаммамиз имоннинг ва Худонинг Ўғлини таниб-билишнинг бирлигига келиб, мукамал инсонга, яъни Масиҳнинг тўла-тўқислигининг етуклиги меъёрига эришиш учун" (Эфесликларга 4:13), Шогирдлар Жамоати ҳар ҳафта одамларга Исога эргашишга ёрдам бериш учун йиғилади.

Шунга қарамай, Шогирдлар Жамоати, бошқа тўртта жамоат кўп ҳолларда инобатга олмайдиган нарсани, яъни масиҳийча ҳаёт яқдилликдан иборат (корпоратив) эканлигини таъкидлаб унга алоҳида урғу беради. Биз қайта туғилганимизда, биз яна оилада туғиламиз (1–Петрус 2:10 га қаранг). Етуклик, биз кўриб гувоҳи бўлганимиздек, “имоннинг . . . бирлигига . . . эришиш” билан белгиланади. Аслида, Павлуснинг сўзларига кўра, “бутун тана бир-бирига боғланган бўғинлар орқали ўзаро уланиб ва бирикиб, севги билан ўзини барпо қилиши учун ўз меъёрида ҳар бир аъзонинг ғайратли ҳаракати бўйича танани ўстиради” (Эфесликларга 4:16). Бу – мураккаб жумла, лекин унинг моҳияти шундаки, етуклик – Масиҳнинг танаси севги орқали ўсиб, мустаҳкам бўлиб боришини англатади.

Бу ҳақиқатни тушуниш жамоатнинг вазифаси ҳақидаги суҳбат учун жуда муҳим, чунки бу биз иккита вазифа – бутун руҳий оиланинг ва руҳий оиладаги ҳар бир аъзонинг вазифаси, яъни “бизнинг” ва “сизнинг” вазифангиз деб аталмиш вазифалар ҳақида ўйлашимиз кераклигини англатади. Исо бир оила бўлиб биргаликда ҳаракат қилишимиз учун бутун оилага маълум вазифаларни юклаган ва У алоҳида аъзолар сифатида ҳар биримиз учун бошқа вазифаларни белгилаб қўйган. Оиланинг мустаҳкам бўлиши бутун оиланинг вазифаси, лекин сизнинг бурчингиз болаларингизни севиш, ишга бориш ва қўшниларингиз билан илиқ муносабатда бўлишдир.

Ушбу тафовутни фарқлай олмаслик жамоат вазифаси мавзусида кўплаб тушунмовчиликларга сабаб бўлади. Агар сиз бирор бир масиҳий дўстингиздан: "Жамоатнинг вазифаси нима?" деб сўрасангиз, у бутун жамоатни ҳисобга олган ҳолда "бизнинг" вазифамиз деган жавобни бериши мумкин. Агар сиз бошқасидан сўрасангиз, у ҳар бир аъзони ҳисобга олган ҳолда "сизнинг" вазифангиз деган жавобни бериши мумкин. Шунга қарамай, ҳар бири ўзига хос бўлсада, бизга иккала жавоб ҳам керак.

Шогирдлар Жамоатининг наздида жамоатнинг вазифаси нима?

- Бизнинг вазифамиз жамоат ва бутун оила сифатида биргаликда ҳаракат қилиб, *шогирдлар тайёрлашдир*.
- Ҳафта давомида алоҳида жамоат аъзолари сифатида яшаб, бизнинг вазифамиз *шогирд бўлишдир*. Бу ҳар бир оила аъзосининг бутун ҳафта давомидаги вазифасидир.

"Шогирд бўлиш" деб аталган каттароқ доира ва унинг ичида "шогирд тайёрлаш" деб номланган кичикроқ иккита доирани кўз олдингизга келтиринг. Жамоат аъзоси сифатидаги ҳаётий вазифангиз шогирд бўлиш деб номланган катта доирага киритилган барча нарсадир. Аммо сиз бутун жамоат бўлиб ҳаракат қилиш учун йиғилганингизда, сизнинг биргаликдаги аниқ вазифангиз шогирдлар тайёрлашдир.



Хуқуқшунослик мактаби ва хуқуқшунос, тиббиёт мактаби ва шифокор ўртасидаги муносабатлар ҳақида ўйлашингиз мумкин. Хуқуқшунослик мактаби ва тиббиёт мактаби доираларида битта вазифа бор (хуқуқшунос ва шифокорлар тайёрлаш), хуқуқшунос ва шифокорларнинг ўзларида эса бошқа вазифа мавжуд (хуқуқшунос ва шифокорлар бўлиш).

Кейинроқ яна бир тушунтирадиган яхши мисолим элчихона ва элчи ўртасидаги муносабатлардир. Жамоатларимиз элчихоналар ва ҳар биримиз элчимиз.

ШОГИРД БЎЛИШДА ШОГИРД ТАЙЁРЛАШ МЕЗОНИ

Баҳсга киришишдан олдин жамоатнинг вазифаси ҳақидаги икки хил мунозара ўртасидаги боғлиқликни

кўрсатиб беришимга ижозат беринг. *Шогирд орттириш шогирд бўлишда* асосий роль ўйнайди. Жамоат аъзоси: “Мен шогирдлар тайёрлаш ҳақида қайғуришим шарт эмас. Бу бутун жамоат ёки жамоат раҳбарларининг ишидир” деб айтолмайди. Йўқ. Бу шогирд бўлишнинг асосий қисми.

Юқоридаги икки доира расмига яна қаранг, лекин энди уни қуёш тизими сифатида тасаввур қилинг. Бутун масиҳийча шогирдликни ифодаловчи бу каттароқ доира сайёра орбитасига ўхшайди. Маҳаллий жамоатлар сифатида бизнинг йиғилишларимизни ва биз биргаликда бажарадиган ишни ифодаловчи кичикроқ доира қуёшга ўхшайди. Биринчидан, биз ўзимизни янада аниқроқ кўришимиз учун ҳаётимизга қуёш ўз нуруни сочиб ёритади (“Мен ўзимни жуда яхши турмуш ўртоқ деб ҳисоблардим, лекин ваъзни тинглар эканман, ҳали ўз устимда жиддийроқ ва кўпроқ ишлашим кераклигини англаб етдим!”). Иккинчидан, у бизнинг бутун ҳаётимизга тортишиш кучи таъсирини кўрсатиб, ҳаётнинг ҳар бир жабҳасига “шогирд тайёрлаш” ўлчовини бахш этади

Фарзандларим учун нонушта тайёрлайман. Нима учунлигини биласизми? Чунки мен уларнинг овқатланишларини хоҳлайман ҳамда самовий Отанинг уларга бўлган севгисини ҳис қилишларини ҳам хоҳлайман. Мен уларнинг шогирд бўлишларини хоҳлайман.

Мен ходимлар йиғилишида қатнашаман ва умуман қизиқарли бўлмаган ҳисоботларни тинглайман, аммо диққат билан эшитишга ҳаракат қиламан. Биласизми нега? Ўз ишимни янада яхшироқ бажара

олиш учун ва шу билан биргаликда Масихнинг барчага бўлган севгисини намуна қилишни хоҳлаганим учун. Мен уларнинг шогирд бўлиб етишишларини истаيمان.

Мен уйимнинг ертўласидаги қўшимча ётоқхонанинг ёнида душ ўрнатмоқчиман. Нима кераги бор, деб ўйлашингиз мумкин. Сабаби, уйимизга келган меҳмонлар юқори қаватга чиқмасдан қулай тарзда душ қабул қилишларини, шу билан биргаликда мен уйимиз меҳмондўстлик учун қулай жой бўлишини, бу орқали Масихнинг бизга берадиган марҳаматини кўрсатишни хоҳлайман. Мен барча меҳмонларимиз шогирд бўлишларини ёки шогирд бўлиб шаклланишларини хоҳлайман.

Сиз ушбу мисолларни ҳаётингизнинг ҳар бир жабҳасида, масалан: болаларни тарбиялашда, санъат ва спорт билан шуғулланишда, боғ барпо этишда, сиёсат билан машғул бўлишда, таътилга чиқишда қўллашингиз мумкин. Масихий сифатида сиз Масих билан бирлашгансиз ва қилаётган ҳар бир ишингиз Масихни кўрсатади. Шундай экан, қилаётган ҳар бир амалингиз шогирд тарбиялаш жиҳатига эга. Дарҳақиқат, қўшниларимизни яхши кўришнинг олий ва энг яхши йўли уларни Худога йўналтиришдир. Августиннинг айтишича, онага ёки ака-укага, дўст ёки ҳамкасбга, турмуш ўртоғига ёки бегонага бўлган севги Масихга бўлган севгига ўхшамаса, унда у умуман севги эмас.¹

1. Августин, *Масих таълимоти ҳақида*, Д. В. Робертсон таржимаси (Индианаполис: Бобс-Мерил компанияси, 1958), 3.10.16; 1.23. [Augustine, *On Christian Doctrine*, trans. D.W. Robertson (Indianapolis: The Bobbs-Merrill Company, 1958), 3.10.16; 1.23].

Бундан ташқари, бу бутун жамоатнинг ҳафталик иши бўлиб, бу ҳафтамининг қолган қисмида ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Ҳафтамининг қолган қисмида жамоатнинг иши билан биргаликда йиғилганимиз шогирд бўлиш ва шогирд орттириш каби фикрлаш тарзига биз эга бўлишимизга ёрдам беради. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, биз ҳар кунимиз, ҳар сонияда шогирд тайёрлаш ҳақида ўйлаб юрмаймиз. Биз болаларимизни тарбиялаш ҳақида ўйлаймиз (“Хотиним бугун уларни мактабдан мен олиб кетишимни айтганмиди?”), ишимиз ҳақида ўйлаймиз (“Ушбу иш таклифини яхши бажара оламан, деб умид қиламан”), машинани таъмирлаш ҳақида ўйлаймиз (“Нега руль доим чап томонга тортади?”). Шунга қарамай, биз бу вазифаларнинг барчасини, қайсидир маънода, *шогирдлар орттиришни* назарда тутган ҳолда олиб борамиз. Биз фарзандларимиз, ҳамкасбларимиз, механикларимиз, ҳатто душманларимиз ҳам Масиҳни билишларини истаймиз. Шунингдек, жамоат аъзоларимиз Масиҳни кўпроқ билишларини истаймиз.

Ахир, ҳаётда Масиҳни билишдан ва биз қилган ҳамма нарсада ва ҳамма жойда Масиҳни ҳис қилишдан кўра яхшироқ ва завқлироқ ҳеч нарса бўлмаса керак.

Шунга қарамай, мен ҳозиргача фақат ўз хулосаларимни айтиб ўтдим. Лекин ҳали далил келтирмадим. Ҳақиқатан ҳам Муқаддас Китоб таълимотлари шундайми ва у нимани биринчи ўринга қўяди? Шогирдлар Жамоати нима учун ўз қўлланмасида шогирдлар орттиришни биринчи ўринга қўйишини, шунингдек, нега мен жамоат

вазифасини *шогирд орттириш* ва *шогирд бўлишга* ажратганимни тушунишингизга ёрдам бериши учун биз учта савол беришимиз керак.

БИРИНЧИ САВОЛ: ИНСОНИЯТНИНГ ЭНГ КАТТА МУАММОСИ НИМА?

Ушбу биринчи саволни бундай мунозараларда сўрашни бизнес-тадбиркор ва собиқ оқсоқол дўстим Себастьяндан ўрганганман. Оқсоқоллар йиғилишидаги мураккаб суҳбатлар чоғида у “Биз бу ерда қандай муаммони ҳал қилмоқчимиз?” деб сўраб, номутаносиб тарздаги мунозараларимизга диққатни қаратарди.²

Худди шундай, жамоат ўз вазифаси ҳақида ўйлашга келганда, у ўзидан сўраши керак: биз бу ерда ҳал қилмоқчи бўлган энг катта муаммо нима?

Изловчилар Жамоати гуноҳ тилидан фойдаланади, лекин у гуноҳ ғоясини моддий ва терапевтик тарзда ифодалайди. Гўё сиз психологнинг диванида ўтиргандек, ваъзхон сизнинг ҳис-туйғуларингиз ва *нимани хоҳлаётганингизга* мурожаат қилади. Сизнинг гуноҳингиз – сиз чин дилдан, ўзингиз хоҳлагандек ота ёки она, дўст ёки қўшни бўлишингизга халал берадиган ўша кичкинагина худбинликдир. Бу эса Худонинг сизга бўлган муҳаббатига ишонмаслигингиздан далолат беради. Изловчилар Жамоати Исо бу муаммоларни ҳал қилишда сизга ёрдам беришини айтади.

2. Бошқа шахслар иштирокидаги шахсий ҳикоялар уларнинг руҳсати билан ушбу китобчада баён этилди. Кўпинча тахаллуслар махфийлик учун ишлатилган.

Фаровонлик Жамоати ҳам гуноҳ тилидан фойдаланади, лекин бу жамоат *моддийликка* урғу беради. Сизнинг гуноҳингиз имонингизнинг сустиги бўлиб, у худди Худонинг моддий неъматлари оқиб ўтадиган қувурнинг тиқилиб қолишига ўхшайди. Ҳар бирига камида қанча эътибор берилганлигини ҳисобга олган ҳолда, гуноҳ ва айбдорлик лаънатга олиб келган муаммодан кўра, Худо лаънатининг натижалари бўлмиш етишмовчилик ва ўлим муаммоларини ечиш керак.

Адолат ва Солиҳ Миллат Жамоатлари ҳам гуноҳ тилидан фойдаланишади, аммо улар кўпроқ *мантиққа* урғу беришади. Ота-она ёки судя каби, уларнинг ваъзхонлари сизнинг *ҳаёт тарзингиз* билан қизиқишади. Адолат Жамоати биз камбағаллик, талабга жавоб бермайдиган уй-жой, камчилиги бор мактаблар, носоғлом муҳит, ирқчилик ва тузилмавий адолатсизликларда кўрадиган ноҳақликлар ҳақида кўпроқ ва илғор фикр юритади. Шу билан бирга, Солиҳ Миллат Жамоати ҳатто уларни шундай деб аташмаса ҳам турли тузилмавий адолатсизликлар бўлмиш ажрашиш ҳақидаги қонун, бир хил жинсли никоҳ, диний эркинликка тўсиқлар, оммавий ахборот воситаларининг тарафкашлиги, ҳомилани олдириш, ЛГБТ ва давлат мактабларидаги кун тартиби ва яна бошқа кўплаб нарсалар ҳақида кенгроқ фикр юритади.

Ниҳоят, Шогирдлар Жамоати ҳаётимизнинг терапевтик, моддий ёки ахлоқий жиҳатларини инкор этмайди. Бу жамоат ҳаётингизда Худонинг мақсадини билиб олишингизни, Унинг ажойиб ва

моддий неъматларидан баҳраманд бўлишингизни, тўғри ва адолатли яшашингизни хоҳлайди. Бу жамоат бундай ташвишлар марказий ўринни эгаллаганида биз эҳтимол истеъмолчиликка, моддийликка ёки ахлоқсизликнинг бошқа турларига берилиб кетишимизни билади.


Шогирдлар Жамоати гуноҳ ҳақида гапирганда, *теологияга* кўпроқ урғу беради. Худога нисбатан қилинган ҳақоратнинг энг биринчиси ва энг каттаси бу – гуноҳдир. Худо: “Мен сизнинг Яратувчингиз ва Подшоҳингизман”, деган эди. Шунга қарамай, Одам Ато давридан бошлаб биз ўзимизни худдики яратувчи ва подшоҳ каби тутиб яшадик. Биз Унинг қонунини буздик ва Унинг улуғворлиги пайида бўлиш ўрнига ўз шон-шуҳратимиз ортидан қувдик (Римликларга 3:23). Шунинг учун У бизни айбдор деб эълон қилди ва абадий ўлимни ваъда қилди (Римликларга 6:23; Ваҳий 20:11-15). Гарчи бу иккиси ҳам муҳим муаммолар бўлса-да, энг катта муаммомиз ЛГБТ сиёсий кучи ёки ирқчилик эмас. Бизнинг Худо олдидаги айбимиз ва Унинг ғазабига дучор бўлишимиз ҳозиргача ҳал қилиниши керак бўлган энг катта муаммодир.

Муаммонинг ўзаги ва натижасини фарқлаш

Шундай бўлса-да, Шогирдлар Жамоати Адолат Жамоати ва Солиҳ Миллат Жамоати қарши бўлган барча шахсий гуноҳлар ва тузилмавий адолатсизликларни эътиборсиз қолдирмайди. Муқаддас Китоб Одам Атонинг хотиржамлик билан қилган итоатсизлигига ҳам, Фиръавннинг оммавий

ёвузлигига ҳам ачиниш билан ишора қилади. Унда зинокорлар, шунингдек, “адолатсиз фармонлар чиқараётганлар” (Ишаъё 10:1; Эстер 3:7-14), билиб ва билмасдан қилинган гуноҳлар (Левит 4-бобга қаранг), шахсий ва миллий қонунбузарликлар (Ишаъё 13-19 қаранг) ҳақида чуқур қайғу билан фикр билдирилади. У камбағалларга нисбатан шахсий юзхотирчиликни қоралайди (Ёқуб 2:1-7) ва ирқчиликни ажратиб турадиган таркибий тенгсизликларни тузатишга ҳаракат қилади (Ҳаворийлар 6:1).

Шунга қарамай, Шогирдлар Жамоати муаммонинг ўзаги ва натижасини, уларнинг сабаб ва аломатларини фарқлай олади. Худога қарши қилган гуноҳимиз (бирликда “гуноҳ”) бизнинг асосий муаммомиздир. Бошқаларга нисбатан қилган гуноҳларимиз (кўпликда “гуноҳлар”) шахсий ёки тизимли бўлишидан қатъи назар асосий муаммонинг натижасидир. Аслида, Шогирдлар Жамоати ҳар қандай миллатчиликдан тортиб, ҳомилани олиб ташлаш ва бу дунёнинг мафқураларигача бўлган ҳамма нарсани адолатсиз деб аташ учун энг кучли асосга эга, чунки бу амалиётлар ва тузилмалар батамом Худога қарши туради (Санолар 50:6). Бир одам калтакланиб, нарсалари талон-тарож қилинганида, Самариялик раҳмдил одам *Худо суратида* яратилганлиги учун у одамга ғамхўрлик қилиши керак (Луқо 10:25-37 га қаранг). Бирор биродар ака ёки опа юпин кийинган бўлса, ёки ҳар кунлик ейишга овқати бўлмаса, масиҳий киши *Худо суратида* яратилгани учун унга “сизга яхшилик тилайман; иссиқ кийиниб, яхши овқатланиб юринг,” демаслиги керак (Ёқуб 2:16 га қаранг).



Худонинг қонунига бўйсунмаслигимизни ва Унинг улуғворлигини поймол қилишимизни ҳеч нарса ёпиб кетолмайди. Худо буюк, ардоқли, абадий, қонун чиқарувчи, барча ҳақиқат ва адолат У орқали ўлчанадиган Зотдир.

Дўзахнинг моҳияти

Худого ва Унинг улуғворлигига қарши қилган гуноҳимизнинг қанчалик оғирлигини ва аҳамиятини тушунишнинг бир йўли – дўзахнинг қанчалар даҳшатли эканлиги ва абадийлиги ҳақида ўйлаб кўришдир. Дўзах тушунчаси жуда қийинлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Бу ҳаддан ташқари кишини руҳий жиҳатдан мушкул вазиятга солади. Лекин мен бир сония унга эътибор билан қараб, хаёлингизда уни бартараф қилмаслигингизни хоҳлайман. Агар дўзах ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлса, уни хаёлимизда бартараф этиш орқали ҳеч кимга яхшилик қилолмаймиз.

Ўйлаб кўриш керак бўлган савол шундаки, нима учун Исо “ўлмайдиган қуртлар” ва “ўчмас олов” ҳақида гапирганида, дўзахнинг ўйга тўлдирадиган

тасвирларини қайта-қайта тақдим этади (масалан, Марк 9:48)? Исо жуда ҳам жонли тилда мисоллар келтирган.

Ушбу сабаблар, бу тасвир мажозий бўлишидан қатъий назар дўзахнинг ҳақиқатан ҳам жуда ёмонлигини, бу қўрқинчли тасвирлар гуноҳнинг қанчалик даҳшатлигини ва шу билан бирга Худонинг қанчалик улуғвор эканлигини очиб беради.³ Ахир, ғазаб қадр-қимматни кўрсатади.

Масалан, мен ва опа-сингилларим ёшлигимизда ота-онамизга ёлғон гапириш ўйинчоқ устида тортишишдан кўра қаттиқроқ жазога олиб келишини англадик. Нега? Ҳақиқат ўйинчоқлардан кўра қимматлироқдир. Ҳақиқат қанчалик қимматли бўлса, оқибатлари шунчалик даҳшатли бўлади. Ҳар бир заргарлик дўконнинг эгаси сизга худди шу нарсани айтади.

Дўзахнинг абадийлиги ва даҳшатлилиги, бошқача қилиб айтганда, бизга гуноҳнинг қанчалик ҳақиқатан ҳам ёмон эканлигини ва шунинг учун Худо қанчалик ҳақиқатан ҳам яхши ва мақтовга лойиқ эканлигини кўрсатади. Гуноҳ бизнинг ҳис-туйғуларимизни хиралаштиради, фикрлаш қобилиятимизни пасайтиради ва ҳақиқатни тушуниш қобилиятимизни суслаштиради. Гуноҳ бизга биз коинотнинг маркази эканлигимизни ҳамда Худо биздан қарздор эканини айтади. Муқаддас Китобнинг дўзах ҳақидаги таърифлари бизни ўткинчи дунёнинг ёлғонларига

3. Ушбу хатбоши ва кейинги иккитаси Эд Секстон (тахрир), *Жамоат вазифасининг тўртта кўриниши* (Гранд Рапидс: Zondervan, 2017) асаримнинг бир қисмидан янгиланган ва бадийлаштирилган. [Ed Sexton (ed.), *Four Views of the Church's Mission* (Grand Rapids: Zondervan, 2017)].

кўзимизни каттароқ очишга ва ҳақиқий дунёни фаҳмлашимизга ёрдам беради. Ҳаёт қадрлироқ, оқибатлари янада юқорироқ, Худонинг улуғворлиги сиз тасаввур қилганингиздан ҳам улуғроқдир.

Келинг, 1-саволнинг жавобини умумлаштирайлик. Инсониятнинг энг катта муаммоси нима? Кулол ўзи ясаган идишдан кўра қадрлироқ бўлгани каби Худонинг чексиз табиати ва илоҳий борлиғи бутун оламдан қадрлироқдир ва ўша муқаддас, адолатли ва улуғвор Худога нисбатан қилган гуноҳимиз бизнинг энг катта муаммомиздир. Худога қарши қилган гуноҳимиз бошқаларга қарши гуноҳ қилишимизга олиб келади. Шунинг учун жамоат асосий муаммога ҳам, унинг натижасига ҳам эътибор қаратиши ва ҳар доим ҳар иккаласига тўғри баҳо беришига ишонч ҳосил қилиши керак.

ИККИНЧИ САВОЛ: ЭНГ КАТТА МУАММОМИЗНИНГ ЕЧИМИ НИМАДА?

Биринчидан бешинчи рақамгача бўлган барча жамоатлар Каломда келтирилган кечирим, яхши ишлар ва Худонинг марҳамати каби жиҳатларга тўхталиб ўтади. Шунга қарамай, Каломга асосланган ҳақиқий нарсаларга ортиқча аҳамият бериш ёки нотўғри мақсадга йўналтириш мумкин. Биз яхши ишларни хоҳлаймиз, лекин яхши ишлар қилиш орқали маҳалла ёки миллатни қутқаришимиз нотўғри оқибатларга олиб келиши мумкин. Бизни Худо мустаҳкам соғлиқ ва чексиз бойлик билан марҳаматлашини хоҳлаймиз, лекин бу марҳаматларни дунёнинг кафолатланган ваъдалари сифатида қабул

қилсак, уларни ёлгон ваъдалар ва бутларга айлантириб қўйган бўламиз.

Агар биз Каломий ҳақиқатларга тўғри йўналиш ва урғу беришни истасак, Муқаддас Китобни яхлит сюжет чизиғи сифатида ўқиётганимизга ишонч ҳосил қилишимиз керак. Асосий мазмунни тўғри тушуниш Муқаддас Китоб таклиф этаётган ечим ҳақидаги хабарнинг асл моҳиятини тўғри тушунишимизга ёрдам беради. Янгиликларни ўқиётганингизда буни табиий қабул қиласиз. Биласизми, агар мухбир янгиликларни нотўғри баён қилса, у ҳолда янгилик сарлавҳаси ҳам нотўғри бўлади.

Шунинг учун, Шогирдлар Жамоати Муқаддас Китобнинг ҳар бир қисмини ўқиш учун қўлидан келганча ҳаракат қилади. Мана бу ерда ҳар бир қисмни умумлаштиришнинг бир усули бор:

Худони
кўрсатиш учун
яратилган

Ибтидо 1-2: Худо одамларни Ўзининг суратида яратди ва уларга бу дунёни абадий тўлдириш ва бўйсундириш учун берди, агар биз буни Унга итоаткорлик билан қилсак, Унинг севгисини, муқаддаслигини ва улуғворлигини "кўрсатамиз".

Ўзимизни
Худонинг
ўрнига қўйиш

Ибтидо 3–11: Худодан ва Унинг марҳаматидан, Унинг ҳукмронлигига бўйсунмаганлигимиз туфайли маҳрум бўлганмиз ва ўз шон-шуҳратимизни кўзлаганимиз учун лаънатланиб ўлимга маҳкум бўлганмиз.

<p>Сабоқларни такрорлаш: Худонинг қиёфасини акс эттириш, лекин улар бундай қилишмайди</p>	<p>Ибтидо 12–бобидан Исроил тарихигача: Худо бутун дунёга минг йиллар давомида Ибтидо 1-3 даги сабоқларни ўргатиш учун Исроил халқидан фойдаланади. У уларга Одам Атонинг асл вазифасини, яъни халқларни марҳаматлаш учун Худонинг муқаддаслигини, севгисини ва улуғворлигини кўрсатиш топшириғини беради. У ҳатто уларга ёрдам бериш учун ўз қонунини ва ҳузурини беради. Шунга қарамай, Исроил халқи Одам Атонинг хатосини такрорлайди ва шунинг учун Худо уларни худди Одам Атодек қувиб юборади.</p>
<p>Бу ишни Худонинг Ўзи қилиши керак</p>	<p>Пайғамбарлар: Пайғамбарлар Эски Аҳднинг ибратли сабоқларини тақдим этадилар: Худонинг Ўзи ечимни бериши керак. У келиши, гуноҳ учун товон тўлаши ва юрагимизни ўзгартириши керак. У бизларни Ўз суратига мувофиқлаштириши ва Ўз қонунига итоат этишга қодир қилиши керак, шунда биз Унинг муқаддаслиги, меҳри ва улуғворлигини намоён қила оламиз ҳамда Унинг барча баракаларини қабул қиламиз.</p>
<p>Исо қутқаради</p>	<p>Хушxabарлар: Исо Масиҳ – Худонинг келиши. У ўлиб қайта тирилди ва шу орқали бизнинг гуноҳ муаммомиз ҳал бўлди ва биз Унинг халқи бўлишимиз учун Худо сифатида келди. У Одам Ато ва Исроил халқи уддасидан чиқа олмаган вазифани бажариш учун инсон бўлиб келди: Исо Масиҳ Худонинг муқаддаслиги ва севгисини кўрсатди ҳамда Худонинг барча ваъда қилинган баракаларини қабул қилди.</p>
<p>Руҳ бизни Масиҳ билан бирлаштиради ҳамда бизни Худонинг оиласи ва самовий элчихонасига тўплайди</p>	<p>Ҳаворийлардан Ваҳийгача: Масиҳ каби бўлишимиз учун Масиҳнинг Руҳи бизни ўзи билан бирлаштирди: бизнинг гуноҳларимиз кечирилди, солиҳ бўлдик ҳамда бизга Худонинг муқаддаслиги ва севгисини кўрсатиш вазифаси берилди. Шунингдек, У бизни Худонинг оиласи ва осмон элчихоналари сифатида бирлаштиради. Биз биргаликда Масиҳнинг қайта келиш кунини ва ҳамма нарсани бутунлай ўзгартиришини кутамиз.</p>

Бу – яхлит сюжет чизигининг қисқача мазмуни. Буларнинг барчасини қамраб оладиган янгиликлар сарлавҳаси қандай бўлади? Янгиликлар сарлавҳаси Муқаддас Китобда "Хушхабар" деб аталади, бу сўз шунчаки *яхши хабар* деган маънони англатади.

Хушхабар нима? Ўша яхлит сюжет чизигини яна бир бор мулоҳаза қилиб кўринг. Биз Хушхабарни ташкил этувчи учта муҳим жиҳатни ажратиб кўрсатишимиз мумкин: мақомнинг ўзгариши, янги оила ва келажакда амалга ошадиган ваъда.

Биринчидан, Хушхабар, худди одам турмуш қурганида янги мақомга эга бўлгани каби, янги аҳд мақомини ўз ичига олади (қаранг: Ҳошея 2:16–23; 1–Петрус 2:10). Масих билан бирлашиш, Унинг ҳаётида, ўлимида ва тирилишида қилган ишлари туфайли бизнинг кечирилганлигимизни ва солиҳ деб эълон қилинганлигимизни англатади. “Зеро Худо гуноҳни билмаган Масихни биз учун гуноҳ қурбонлиги қилди, токи биз Масихда Худонинг ҳақлиги бўлайлик” (2–Коринфликларга 5:21). Масих хочдаги ўлими орқали биз тўлашимиз керак бўлган товонни тўлади, гуноҳ ва ўлимни мағлуб этганини кўрсатиб, ўликдан тирилди ва Худо Одам Атога, Исроилга ва Довудга берган барча ваъдаларни бажарди (шунингдек, Римликларга 5:8-9; Галатияликларга 4:1–7; 1–Коринфликларга 15:1–5; 2–Коринфликларга 2:3 га қаранг).

Иккинчидан, Хушхабар янги аҳд оиласини ўз ичига олади (Эфесликларга 2; 1–Петрус 2:10). Бизнинг юқоридан туғилишимиз ҳамжиҳатлик, яъни

корпоратив билан қилинадиган ишдир. Биз Самовий Отамизнинг фарзанди бўлишга лойиқ бўлибгина қолмасдан кўпгина биродарлар ва опа-сингилларга ҳам эга бўлдик.

Учинчидан, Хушхабар бизнинг муқаддаслигимиз ва мукамаллигимиз ҳамда бутун коинотнинг қайта тикланиши ҳақидаги янги аҳд ваъдасини ўз ичига олади (масалан, Римликларга 8:21, 30; 1–Юҳанно 3:2; Ваҳий 21). Масиҳ бизнинг тош юракларимизни Худонинг қонунига итоат қилишни хоҳлашимиз учун тирик тана юраклари билан алмаштирди (Йермияҳ 31:31–34; Эзекел 36:24–27). Бир кун келиб, биз Унга тўлиқ бўйсунамиз, ўша кунда осмон ва ер қайта тикланади ва ҳамма нарса ўнгланади.

Буларнинг барчаси *янгилик*. Бу биз қилишимиз керак бўлган нарсага эмас, балки *Худо қилган* ва *бажаришга ваъда берган* нарсага ишора қилади. Биз гуноҳимиз муаммосини ҳал қила олмаймиз. Биз юрагимизни, шаҳарни, маданиятни ёки коинотни қайта ярата олмаймиз. Биз фақатгина бу ишларни қиладиган Зотни кўрсата оламиз: Ота Худо, Ўғил ва Муқаддас Рух.

Масиҳийлар, шодланинглар! Худо сизнинг гуноҳларингизни кечирди ва сизни солиҳ деб эълон қилди. У сизни янги оиллага бирлаштирди. У коинотни бутунлай қайта тиклайди ва ваъдасига мувофиқ У сизни бир кун келиб бутунлай мукамаллаштиради ва ҳатто ҳозир ҳам У сизни ўз қиёфасига мослаштиряпти.

Ўзгариш содир бўлади

Бироқ, Худо бизга Хушxabар ечимини тақдим этишда амалга оширадиган ишга инсоннинг ўзига хос жавоби мавжуд: У бизни ундаган амални бажаришда бизга ўз ваколатини беради. Худонинг Хушxabаридан келиб чиқадиган нарса бизга Худо томонидан берилган Хушxabарга бўйсунимиз бўлади. Биз Исо Масиҳнинг бизнинг гуноҳларимизни ювганлиги ва бизнинг ўрнимизга қурбон бўлиб бизни оқлаганлиги каби ўзига хос ишини такрорлай олмаймиз. Лекин бундан ташқари, У бизни қилган ишини қилишга чақиради. “Отам Мени юборганидек, Мен ҳам сизларни юборяпман” – дейди Исо (Юҳанно 20:21).

Юқоридаги сюжет чизиғида кўрганларимизни эсланг. Аввал бошиданоқ мақсад Одам Ато ва Момо Ҳаво ер юзини тўлдиришлари ва бўйсундиришлари ва буни Худонинг муқаддаслиги, севгиси ва улуғворлигини тасвирлайдиган ёки намоён этадиган тарзда қилиш эди. Шунинг учун, "Исо бунинг уддасидан чиқди" дейишнинг ўзи етарли эмас. Биз яна шундай ҳам дейишимиз керак: "Энди биз ҳам шундай қиламиз." Бундай дейиш бизни қутқармайди ёки оқламайди, лекин бу Худо томонидан қутқарилган ва оқланган одамларнинг қиладиган иши.

Шуниси эътиборга лойиқки, Масиҳ ушбу мақсадлар учун бизга Ўз Рухини беради. Худонинг Рухи инсоннинг қайта туғилишига сабаб бўлганда, ўзгариш содир бўлади. Ҳар доим. Янги туғилган чақалоқ нафас олиш, йиғлаш, овқатланиш ва ўз табиатига хос равишда ҳаракат қилишдан бошқа


ҳеч нарса қилолмайди. Худди шундай, янги туғилган масиҳий, яъни Худонинг Руҳидан қайта яратилган киши, Худони, Худонинг қонунини ва Худонинг халқини севмасликдан бошқа ҳеч нарса қилолмайди.

Эҳтимол, булар сизга масиҳий бўлган онларингизни эслатар. Масиҳий бўлишдан олдин, баъзи гуноҳларга қўл уришни хоҳлаган бўлишингиз мумкин. Масиҳни таниганингиздан кейин эса бундай қилмадингиз. Эҳтимол сиз спиртли ичимлик ичиб маст бўлишни хуш кўргандирсиз. Лекин ундай қилмадингиз. Эҳтимол, сиз одамлардан фойдаланишни ёқтиргандирсиз. Лекин ундай қилмадингиз. Балки сиз масиҳийлардан нафратлангандирсиз. Лекин кейин уларга бўлган муносабатингиз ўзгарганини сездингиз. Балки сизни Худонинг китоби қизиқтирмагандир. Кейинроқ эса сиз Унинг китобига мафтун бўлиб қолганингизни сездингиз. Мен барча гуноҳларга бўлган хоҳиш йўқолганини айтмоқчи эмасман, лекин ўзгариш бошланганини таъкидлаяпман. Сиз ўзгаришни сеза бошладингиз.

Юқоридан туғилганлар солиҳликни яхши кўрадилар. Оқланганлар адолатга интиладилар. Гуноҳлари кечирилганлар шахсий ва оммавий гуноҳ билан курашадилар. Масиҳнинг самовий танасининг аъзолари дунёвийлар билан боғланади, у ерда биз биргаликда ўзимизни Худо берган, янги ижод, юқоридан туғилган, ердаги жаннат ҳақиқатлари билан “бурканамиз” (Колосаликларга 3:1–17).

Биз икки қисмли ечимни блок-диаграмма кўринишида тасвирлашимиз мумкин: Худонинг

Хушхабар иши Хушхабар халқининг Хушхабарга итоаткорлигини яратади ва бизнинг Хушхабар халқи сифатидаги Хушхабарга итоаткорлигимиз эса ўз навбатида Худонинг Хушхабар ишини қуйидагича кўрсатади, намойиш этади ва исботлайди:



Биз буларнинг ҳеч бирини мукамал даражада бажармаймиз. У даражага яқин ҳам боролмаймиз. Биз эмаклашни, кейин юришни ва аста-секин югуришни ўрганадиган янги туғилган чақалоқларга ўхшаймиз. Қолаверса, бизнинг эски табиатимиз вақтинча янги табиатимиз билан аралаш ҳолда қолади (Римликларга 7). Аммо Худонинг севгиси бизда аста-секин камол топади. Ҳаворий Юҳанно шундай ёзади: “Агар биз Унинг амрларига риоя қилсак, шундан Уни таниб-билганимизни биламиз. Кимки: “Мен Уни таниб- билдим”, – деса-ю, лекин Унинг амрларига риоя қилмаса, у одам ёлғончи ва унда ҳақиқат йўқдир. Кимки Унинг Сўзига риоя қилса, у одамда Худонинг севгиси ҳақиқатан камолга етган бўлади. Ана шундан биз Унда жо эканимизни биламиз” (1–Юҳанно 2:3-5).

Бир дўстим масиҳий бўлгач, қандай ўзгарганини эслайман. Масиҳга келишидан олдин у дангасалик, худбинлик ва кўнгилхушликка ўчлиги билан ажралиб турарди. Масиҳий бўлганидан сўнг, у бошқа одамга айланди, яъни бошқаларга нисбатан меҳр билан ғамхўрлик қиладиган ва ўзини тута олиши билан ажралиб турарди. У ҳар куни Муқаддас Китобни ўрганишни бошлади ва жамоатга борган сари кўпроқ борадиган бўлди. Бир неча йил ўтгач, у ҳатто жамоатда оқсоқол бўлди. Бугун уни таниган ҳар бир киши уни жуда ҳам раҳмдил, меҳнатсевар ва муқаддас киши сифатида таърифлайди.

Масиҳийлар “Бизда яхши хоҳиш-истаклар ўз-ўзидан пайдо бўлади” деб айтолмайдилар. Масиҳга ишонган одамда эзгу фазилатлар баъзан тез, баъзан эса секин шаклланади. Худонинг Руҳи бизда эзгу фазилатлар шаклланишига ёрдам беради, айниқса, биз ўзимизни Худонинг Сўзи ва Унинг халқига очганимизда феъл-атворимиз тезроқ ўзгаради.

Биз жаннатни ерга олиб келолмаймиз

Яъни, Руҳ ҳеч бўлмаганда Масиҳнинг биринчи ва иккинчи келиши ўртасида унинг ишини чеклайди. У қалбларимизни, онгимизни, хоҳиш-истакларимизни ва севгимизни қайта тиклайди. Лекин у бизнинг қўлларимизни ҳам, қилган ишимизни ҳам қайта тикламайди. Жисмлар барибир ўлади. Уйлар барибир қулаб тушади. Пойдеворлар ҳам барибир чўкади. Яхши ҳукуматлар ёмонлашади. Гўзал қўшиқлар унутилади. Ҳатто энг зўр ваъзгўйлар ҳам нотўғри сўзларни айтишлари мумкин. Бир сўз билан айтганда,

лаънат тўлиқ кучида қолади ва Масих қайтгунига қадар шундай бўлади. Масих дунёнинг ҳар бир қарич ерида ҳукмронлик қилиши мумкин, аммо лаънат ҳам шундай. Воиз китобини ўқинг. "Қуёш остидаги" ҳамма нарса ҳали ҳам беҳуда ва "маъносиз", дейди илҳомланган муаллиф (1:1-7). Донолар худди нодонлар каби оламдан ўтишади (Воиз 2:16). Адолат бўлиши керак бўлган жойда ноҳақликлар келиб чиқади (3:16). Ҳалол кунлик меҳнат сизни ўлдиради (10:8-9).

Шу сабабли, сиз жамоатнинг вазифаси "маданиятни халос этиш" ёки "шаҳарни ўзгартириш" деб айтадиган ҳар бир кишидан эҳтиёт бўлишингиз керак. Ҳа, ҳар биримиз, масиҳий сифатида, ўзимизнинг кичик боғимизни у бизга тегишли бўлишидан аввалги ҳолатидан яхшироқ ҳолатда қолдириш устида ишлашимиз керак. Биз ўзимизга таъсир кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Яхшилиқ қилишга интиламиз. Дарҳақиқат, биз яхшилиқ қилишга буюрилганмиз (Галатияликларга 6:1). Лекин биз буни янги табиатимизга кўра ишонч учун қиламиз. Биз буни ҳар қандай нарсанинг "хатосини тўғрилаш" ёки "ўзгартириш" учун қилмаймиз. Бундай тил кимнинг иши кимники эканлигини тушунишга халақит беради. Биз эмас, балки Муқаддас Рух қутқариш ва ўзгартиришга қодир ва Осмон Шоҳлиги Худонинг ҳаёт бахш этувчи Рухи билан чегараланади.

Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, сиёсатимиз, ижтимоий ишимиз, қурилиш лойиҳаларимиз ёки бирон бир хайрли ишимиз орқали ер юзига жаннатни келтира олмаймиз.

Шундай бўлишига қарамасдан . . . Худо қила олади.

Лекин Худо бунга қодир

Хушхабар маданиятни халос этади ва шаҳарни ўзгартиради. Бу сизнинг ҳайдовчилик гувоҳномангизда кўрсатилган шаҳар эмас. Бу Худонинг самовий шаҳри. Сизнинг маҳаллий жамоатингиз унинг постига ёки элчихонасига айланади. Биз айна дамда жаннатни ерга олиб кела олмаймиз. Аммо Худо бунга қодир.

Баъзида Худо биз билан бирга ўз уйини яратади. Жаннат ерга келади. Шундай қилиб, Худо Одам Ато ва Момо Ҳаво билан боғда юрди, яъни у ерда жаннат ва ер бир-бири билан туташди. У Исроил билан бирга маъбадда яшади, яъни у ерда ҳам жаннат ва ер бир-бири билан туташди (Чиқиш 34; Ибронийларга 9:23 га қаранг).

Энг муҳим ва ажойиб нарса шундаки, Худо Исо Масих орқали ер юзида яшаган. Исонинг Ўзи ер юзидаги Осмон Шоҳлиги эди (Матто 4:17 га қаранг).

Шунга қарамай, ҳозир ҳам ер ва жаннат туташадиган яна бир жой бор ва у маҳаллий жамоатдир. Жаннат бизнинг йиғилишларимизда энг кўп намоён бўлади (Ибронийларга 12:22 га қаранг). У ерда биз “осмонда” тақиқланган ва ижозат берилган нарсаларни “ер юзида” ҳам тақиқлаймиз ва ижозат берамиз (Матто 18:18). У ерда жаннатда ва ерда барча ҳокимиятга эга бўлган киши яшайди (Матто 18:20; 28:18). Шунинг учун Павлус жамоатни Муқаддас Рухнинг маъбади деб атайди (1–Коринфликларга 3:17; 2–Коринфликларга 6:16).

Бошқача қилиб айтганда, жамоатнинг асосий вазифаси дунёга жаннатнинг қандай эканлигини кўрсатишдир. Биз элчихоналар каби жаннатнинг ердаги вакиллари бўламиз. Сиз ва биз жамоатда йиғилганимизда, дунё самовий маданиятнинг илк меваларини, унинг шаҳри ва ҳатто тилини кўриши керак. У ерда биз камтарин ва раҳм-шафқатли, покдил, тинчликда ва ҳақлик учун ташна бўлиб яшашни ўрганамиз (Матто 5:3-10). У ерда биз муҳаббат, севинч, хотиржамлик, сабр-тоқат, меҳрибонлик, эзгулик, ишонч, мулойимлик ва ўзини тутта билиш билан гапиришни машқ қиламиз (Галатияликларга 5:22-23). У ерда биз юрагимиздаги жаннатнинг кучини ва Руҳини кўрсатамиз (1–Коринфликларга 12:4-10). У ерга масиҳий бўлмаган киши кириб: “Ҳақиқатан Худо сизлар билан экан!” дейиши керак (1–Коринфликларга 14:25 га қаранг).

Сизнинг маҳаллий жамоатингиз Осмон Шоҳлигининг пости ёки элчихонасидир. Сиз эса унинг элчисисиз (1–Коринфликларга 10:31; 2–Коринфликларга 5:20 га қаранг). Хушхабар ва жамоатнинг ўсиши ўртасидаги боғлиқликни англай олмаган Изловчи Жамоати ҳақида айтганларимни эслайсизми? Худо Ўз халқини барча халқлар олдида Эгамизнинг улуғворлигини намоён этиш учун танлади. Шунинг учун жамоатлар аъзоликка нисбатан жиддий муносабатда бўлишлари керак. Улар худди Худонинг Эски Аҳддаги халқи орасида ҳалол ва ҳаром ёки муқаддас ва муқаддас бўлмаганлар ўртасидаги чегара каби, жамоат ва дунё ўртасидаги чегарани аниқ ва равшан қилишлари керак. Бунинг учун сувга чўмишга ва Қутлуғ кечликка қатъий риоя қилишимиз даркор.

Инсониятнинг энг катта муаммосига Хушхабар қандай ечим топиб беради? Биз ҳозиргача муҳокама қилган барча нарсаларни умумлаштиришнинг бир усули бу жавоб Худо эканлигини айтишдир. Худо ечимдир. Муаммони ҳал қилиш учун дўзахдан қочишнинг ўзи етарли эмас. Нигоҳингизни дўзахдан жаннатга йўналтиринг ва Худога кўз тикинг! Худо даҳшатли ва абадий дўзахдан кўра ажойиброқ ва буюкроқдир. У қудратли, чексиз, ҳамма ерда бор бўлган, мукамал ва яхшидир. У Ўз-ўзига мустақил ва бутун борлиқнинг Яратувчисидир, ҳатто вақт ва макон ҳамдир. У муқаддасдир. У севгидир. У энг катта эзгулик, энг катта қувонч, бутун севги манбаи ва қалбимизнинг ягона ҳақиқий мазмунидир. Августиннинг машҳур фикрига кўра, "Бизнинг юракларимиз Сен билан яшамагунича тинчлик топмайди."⁴

Шунинг учун, жамоат қила оладиган энг муҳим нарса ва ягона фаолият – одамларнинг қалблари ва онгларини Худога йўналтиришдир. Биз буни сўзимиз ва амалларимиз билан амалга оширамиз.

Шунга қарамай, Худога ишора қилиш, шунингдек, Худонинг халқига, Худо халқининг жамоатларига ва Унинг халқи орасида итоаткорликка чақиришни англатади. Маҳаллий йиғилишларимизда биз янги жамият, янги маданият, муқаддас халқ, ҳаттоки ер юзидаги жаннатни барпо қилишга интиламиз. Биз халқларга Худо билан бирга яшаш қандай эканлигини кўрсатамиз.

4. Августин, *Эътирофлар*, таржимаси. Р. С. Пайн-Коффин (Нью-Ёрк: Пингвин, 1961), 21-бет. [Augustine, *Confessions*, trans. R.S. Pine-Coffin (New York: Penguin, 1961), 21].

УЧИНЧИ САВОЛ: ЖАМОАТНИНГ ВАЗИФАСИ НИМА?

Биз бошлаган жойимизга қайтиб келдик. Биринчи ва иккинчи саволларга берилган жавоблар жамоатнинг вазифаси ҳақида нимани назарда тутди?

Агар инсониятнинг муаммоси икки қисмга бўлинса (муаммонинг ўзаги ва натижаси), унинг ечими ҳам (Худонинг Хушхабари ва унга итоат этиш), вазифаси ҳам шундай: барча жамоатлар *шогирд орттиришни* биринчи ўринга қўйишлари керак; бундан ташқари, ҳар бир аъзо *шогирд бўлишга* эътибор қаратиши керак (бу шогирд тайёрлашни ҳам ўз ичига олади).

Биринчи устувор вазифа: Боринг ва шогирд орттиринглар . . .

Исонинг осмонга кўтарилишидан олдин шогирдларига айтган сўнги сўзлари: “Шундай экан, боринглар ва барча халқлардан шогирд орттиринглар” (Матто 28:19).

Шогирд орттириш нималарни тақозо этади? Аввало, биз “боришимиз” (отланишимиз) керак. Ҳар бир жамоат ва жамоат аъзоси Хушхабар сиёсий ва этник чегаралар бўйлаб – “барча халқларга” тарқалишидан манфаатдор бўлиши керак – ё бориб, ёки кетаётганларни қўллаб-қувватлаш керак.

Кенгроқ орттириш айтганда, Шогирд орттириш Хушхабар ва имонга келтириш ҳақида ўйлашни англатади. Бу эса ҳамма нарсанинг бошланиш нуқтасидир. Изловчилар жамоати буни тўғри қабул қилади. Имонга келтириш муаммоларнинг ўзига

мурожаат қилади ва бизни муаммоларнинг натижасига мурожаат қилишимизга йўл кўрсатади. Имонга келиш пайтида инсонларнинг қалблари ўзгаради. Уларнинг ишончи, эътиқоди ва ибодатлари ўзгача бўлади. Ҳатто уларнинг хайрли ишларининг мақсади ҳам ўзгаради ва буни ўзларини мақташ учун эмас, балки Худони улуғлаш учун қилишади.

Имонга келишдан бошқа ҳамма нарса беҳудадир. Сиз ифлосланиш ва глобал исишни ҳал қилишингиз, ҳомилани олдириб ташлашни тўхтатишингиз, барча ирқий тенгсизликларни тўхтатишингиз, глобал очликка барҳам беришингиз, зўравонлик ва одам савдосининг ҳар бир қурбонига бошпана беришингиз, тинчлик шартномаларини музокара қилишингиз ва ҳақиқатан ҳам бутун дунёни қўлга киритишингиз мумкин. Ҳамма нарсада тенглик бўлса-да, тўқ қорин оч қориндан яхшироқдир (лекин Ҳошея 13:6 га қаранг). Шунга қарамай, Исо шундай деб жавоб берган бўларди: “Зеро агар одам бутун дунёни қўлга киритса-ю, аммо ўзининг жонини йўқотса, унга нима фойда?” (Матто 16:26).

Шайтон Исога шундай келишувни таклиф қилган эди. У Исони “баланд тоғга олиб чиқиб, Унга дунёнинг барча шоҳликлари ва уларнинг шухратини кўрсатиб, Унга: –Агар тиз чўкиб, менга сажда қилсанг, буларнинг ҳаммасини Сенга бераман, – деди” (Матто 4:8-9). Исо ўша пайтда ва ўша жойда ҳамма нарсага эга бўлиши мумкин эди ва дунёдаги барча шоҳликларга ҳукмронлик қилиши мумкин эди. У ўз даврининг ёки бугунги

куннинг баҳсли сиёсий масалалари бўйича хоҳлаган қонунларини қабул қилиши мумкин эди. У ҳомилани олдириб ташлашни тақиқлаб қўйиши, ҳар бир жиноий адлия тизимини сезиларли даражада яхшилаши ва бутун дунё бўйлаб бирорта ҳам бола ортда қолмайдиган мактаблар ташкил қилиши мумкин эди. Агар асосий қонун-қоидаларнинг муҳимлиги заифлашган бўлса, қандай қилиб бу тузилмавий ўзгаришлар тўғри, соф ва мустаҳкам бўлиши мумкин эди?

Бу ерда гап руҳни танадан устун қўйишда эмас. Бу – абадийликни вақтинчалик нарсалардан устун қўйиш ва жон ҳамда танни дўзахда ҳалок этишга қодир Зотга сажда қилишдир (Матто 10:28). Биз иккиламчи нарсаларга уларни унча муҳим эмас деб ҳисоблаганимизда улар ҳақида ўринли равишда ўйлай бошлаймиз. Одамлар Хушхабарни ва имонга келтиришни биринчи ўринга қўядиган масиҳийларни “ўй фикрлари шу даражада самовий ишлар билан банд бўлганки, ҳатто улар ер юзига фойда келтирмайдиган кишилар” деб танқид қилишлари мумкин. Лекин, аслида, самовий фикрли киши ерда жуда кўп яхши ишлар қилади. У ўз хазинаси самода сақланганлигини билгани учун ердаги хазинасини бошқаларга манфаат келтириш учун бемалол қурбон қилиши мумкин. Ёки Жон Пайпер тушунтирганидек, “Масиҳийлар барча азоб-уқубатлар, айниқса абадий азоблар ҳақида ўйлашади.”⁵

5. Жон Пайпер бу иборани кўплаб ваъзларида ва мақолаларида қўллаган. Сиз уни DesiringGod.org сайтида мавжуд бўлган барча манбаларда топишингиз мумкин.

. . . *Сувга чўндириш ва таълим бериш орқали* . . .

Шунга қарамай, имонга келтириш, яъни юқоридан туғилиш бир марталик ҳодисадан кўпроқ нарсани – ўлимдан ҳаётга ўтишни ўз ичига олади. Исонинг бизга шогирд орттириш ҳақида айтган амрининг қолган қисмига қулоқ тутинг: “Шундай экан, боринглар ва барча халқлардан шогирд орттиринглар. Уларни Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух номи билан сувга чўндириб, Мен сизларга буюрган барча нарсаларга риоя қилишни ўргатинглар” (Матто 28:19-20).

Биз сувга чўндириш ва таълим бериш *орқали* шогирдлар орттирамыз. Айниқса, жамоатлар одамларни Ота, Ўғил ва Муқаддас Рухнинг "номи билан" сувга чўндирадилар. Сувга чўмиш одамларга Исонинг "исм ёрлиғи"ни ёки "жамоа формаси"ни беради. Бу одамларни Масих ва Масихнинг халқи билан бирлаштиради. Жамоатлар, ҳеч бўлмаганда, қисман сувга чўндирадилар, шунда масихийлар бошқа имонлилар билан Масихнинг "номи учун йиғил"ишни бошлайдилар (Матто 18:20). Шундай қилиб, жамоатлар одатдагидай жамоат аъзолигига янги келганларни сувга чўндирадилар (Хаворийлар 2:41 га қаранг). Миссионерлар жамоатлар мавжуд бўлмаган жойларга борганларида бу ҳолатга истиснолар бўлиши мумкин (Хаворийлар 8:38 га қаранг). Шунга қарамай, сувга чўмиш шунчаки маросим эмас: шу орқали жамоат бу инсоннинг имонда ўсиши учун масъулиятни олади, гўё жамоат: "У инсон Раббимизга ва бизнинг жамоатимизга тегишли," деб эълон қилади, янги имонли эса: "Мен Раббимга ва шу жамоатга тегишлиман," дейди.


Агар сувга чўмиш жамоат аъзолигига кириш эшиги бўлса, Раббийнинг кечки зиёфати доимий оилавий таомдир. Кечки овқат шахсий масала эмас. Бу эса ерда Масиҳнинг танаси кимлигини очиб беради ва кўрсатади (1–Коринфликларга 10:17).

Юқорида маҳаллий жамоатлар Осмон Шоҳлигининг элчихоналари эканлиги ҳақидаги гапларимни эсланг. Элчихона мисоли шуниси билан фойдалики, у бир вақтнинг ўзида икки нарсани кўрсатади: биринчидан, жамоат бошқа Шоҳликни ифодалайди; иккинчидан, у алоҳида имонлилар эга бўлмаган расмий ҳокимиятга эга – бу "Шоҳлик калитлари" (Матто 18:18-20; қиёсланг: 16:19). Бу калитлар жамоатларга ким Осмон Шоҳлигига тегишли ва ким тегишли эмаслигини айтишга имкон беради, буни улар сувга чўмиш ва Қутлуф кечлик орқали (ёки жамоат интизоми қўлланилганда Қутлуф кечликка қўйилмаслик орқали) қилишади. Сиз дунёнинг бошқа бурчагидаги мамлакатингизнинг элчихонаси ҳақида ўйлашингиз мумкин. Агар сиз дунёнинг ўша бурчагида яшаётган бўлсангиз, элчихона сизга фуқаролик тақдим этиш ҳуқуқига эга эмас, лекин у паспортингизни янгилаш орқали сиз фуқаро эканлигингизни исботлаб бера олади. Худди шундай жамоатга қўшилиш ҳам бошқа масиҳийлар томонидан расман масиҳий деб қабул қилиниш ва Осмон Шоҳлигининг элчиси сифатида тан олиншидир.

Янги шогирд жамоат томонидан қабул қилиниши биланоқ, шогирд ўзини иш ўрганишга бағишлайди. Биз бу шоҳликнинг фуқароси ва элчиси бўлишни ўрганишимиз керак. Шу йўсинда, жамоат ўз

аъзоларига Исо буюрган ҳамма нарсага амал қилишни ўргатади. Жамоатлар ваъз қилиш, ҳамду сано айтиш, ибодат қилиш ва Муқаддас Китобни ўқиш орқали таълим беради. Оқсоқоллар эса сўзлари ва хатти-ҳаракати билан таълим берадилар (Ҳаворийлар 20:26-30; 1–Тимотий 4:16; Ибронийларга 13:7, 17). Шу билан бирга, ҳар бир аъзо Масих каби бўлишни бир-бирига севги билан ҳақиқатни гапириш орқали ўргатади, шундагина жамоат имонда мустаҳкамланади (1–Коринфликларга 11:1; Эфесликларга 4:15-16, 29; шунингдек 1–Фессалоникаликларга 1:6-7; 2–Фессалоникаликларга 3:7; Ибронийларга 13:7 га қаранг). Адолат Жамоати ва Солиҳ Миллат Жамоати ўзгарган ҳаёт ҳақида ўргатиш муҳимлигига алоҳида урғу беради.

Буларнинг барчасини тушуниш учун керакли бўлган нарса шундаки, солиҳлик ва севгида бирга ўсиб бораётган масиҳийлар жамоати ўз навбатида Хушxabарнинг мақсадларига хизмат қилади, бунга эса Изловчилар Жамоати масъулдир. Исо ваъда қилганидек, жамоат ичида бир-биримизни кечирнишни ва У бизни севгандек севишни ўргансак, шунда дунё Унинг кимлигини билиб олади (Юҳанно 13:34-35). Бошқа бир жойда эса У бизнинг яхши ишларимиз бошқаларни Худони улуғлашга етаклашини айтади (Матто 5:16; шунингдек, 1–Петрус 2:12). Мухтасар қилиб айтганда, Хушxabарни бўлишиш орқали танланган ва муқаддас бир халқ пайдо бўлади, бу танланган ва муқаддас халқ Хушxabарни бўлишиш мақсадига хизмат қилиб, ажойиб гувоҳлик беради.



Бошқача айтганда, маҳаллий жамоатлар Буюк Топшириқнинг воситаси ва мақсади ҳисобланади. Улар шогирд етиштиришади.

Иккинчи устувор вазифа: Исо амр қилган ҳамма нарсага риоя қилиб, шогирд бўлиш

Шунга қарамай, жамоатнинг вазифаси ҳақидаги муҳокамамиз ҳозирча тўхтагани йўқ. Ахир, Масих бизни нафақат шогирд орттиришга, балки “сизларга буюрган барча нарсаларга риоя қилишни ўргатинглар” деб чақиради (Матто 28:20).

Ўзимни мисол қилиб оладиган бўлсам, Исо менга жамоат аъзоси ва жамоат оқсоқоли сифатида, шунингдек, қизларимга ота, хотинимга умр йўлдош, ота-онамга фарзанд, фуқаро, ёзувчи, семинария профессори, қўшни, дўст, автомобил ҳайдовчиси, уй эгаси, озиқ-овқат харидори, ресторан мижози, коммунал хизматлар мижози сифатида У амр қилган ҳамма нарсага риоя қилишимни назарда тутди.

Келинг, ресторан мижози мисолини кўриб чиқамиз. Бутун жамоат мен билан ресторанга бормайди. Бутун жамоатнинг иши менга хизмат кўрсатган офитсиантга чойчақа бериши керак дегани эмас. Эсингизда бўлсин, бутун жамоатнинг вазифаси сувга чўмиш ва Қутлуғ кечлик орқали Исони менинг ёрдамимда тушуниш эди. Бу эса менга Исонинг Элчиси номини беради. Шундай бўлса-да, ресторанда ўтириб, официантга қанча чойчақа бериш ҳақида бир тўхтама келишга ҳаракат қиляпман. Чойчақа бериш ҳақидаги менинг шахсий қарорим Исони яхши ёки ёмон тарафлама кўрсатиши мумкин. Жамоатим мени Исонинг элчиси деб расман эълон қилгани учун бу нарсалар ҳаётимнинг бошқа жабҳаларида ҳам шундай бўлади.

Эътибор беринг, биз икки хил иш ҳақида, бутун жамоатнинг элчихона иши ва ҳар бир аъзонинг элчилик иши ҳақида суҳбатлашишимиз керак. Шунинг учун биз жамоатнинг вазифаси ҳақида икки хил нуқтаи назардан, яъни бутун жамоат вазифаси ва алоҳида аъзонинг вазифаси ҳақида суҳбатлашишимиз керак. Элчихона ва элчининг вазифаси бир-бирига юқори даражада ва ўзаро боғлиқдир, лекин улар ҳуқуқ мактаби ва адвокат каби бир-биридан тубдан фарқ қилади.

Баъзан одамлар жамоатнинг вазифаси ҳақида келишмовчиликларга дуч келишади, чунки улар инсониятнинг энг катта муаммоси ва унинг ечими тўғрисидаги 1 ва 2–саволларга турлича жавоб беришади. Масалан, диндор масиҳийлик кўпинча бизнинг энг катта муаммомизни

"билимсизлик" ва унинг ечимини эса "тарбия" деб ҳисоблайди. Бу икки жавобни бирлаштиринг ва сиз жамоатнинг вазифаси тарбия бериш деган хулосага келасиз. Бир хил Хушxabар таълимотига эга бўлган одамлар ўртасида келишмовчиликлар "жамоат" сўзини бошқача ишлатишга олиб келиши мумкин. Баъзан одамлар жамоатнинг вазифаси ҳақида сўз юритишганида, тартибга солинган ёки уюшган маҳаллий жамоатни назарда тутишади. Бунга аъзолик ва интизомга оид қарорлар, жамоатнинг харажатлар режаси, чўпонларнинг иш тавсифлари, жамоатнинг иш йиғилишларида муҳокама қилинадиган масалалар, ва албатта, жамоатнинг ҳафталик ибодат йиғилишларида қилиниши керак бўлган ишлар киради. Баъзан жамоат аъзолари ҳафталик ишлари билан банд бўлишганида ҳар кунлик жамоат ва тарқоқ жамоат ҳақида ўйлашади.

Шунинг учун, кимдир сиз билан жамоатнинг вазифаси ҳақида гапира бошласа, аввал шуни аниқлаб олиш керак: у Худо бутун жамоатдан *биргаликда* нима қилишни талаб қилаётгани ҳақида гапираяптими, ёки Худо ҳар бир имонлидан *шахсан* нима кутишини назарда тутаяптими? Бу ерда муаммонинг бир қисми шундаки, кўп масиҳийларга ўзларининг имонлари ҳақида умумий ёки оилавий нуқтаи назардан ўйлаш ўргатилмаган. Ҳатто жамоат ҳақида гапирилганда ҳам улар "биз" эмас, "мен" деб фикр юритишади

Юқорида айтиб ўтганимдек, *бизнинг* вазифамиз маҳаллий жамоат сифатида биргаликда *шогирд*

орттиришдир, сизнинг вазифангиз эса жамоат аъзоси сифатида шогирд бўлишдир.

Бизнинг вазифамиз: Агар мен бутун жамоатим олдида туриб, уларнинг ҳамжиҳатлик билан қиладиган ишларига мурожаат қилсам, шундай дейман: “Бизнинг жамоат сифатидаги вазифамиз – *шогирдлар орттиришдир.* Биз йиғилишларимизни ташкил этишимиз, чўпонларни тайинлашимиз, қўшимча дастурларни ўйлаб чиқишимиз, сарф-харажатлар режасини ишлатишимиз ва ҳар бир жамоат хизматидан сўнг шогирд орттириш ишига аъзоларимизни юборишимиз керак. Тартибга солинган ва уюшган маҳаллий жамоат элчихонага ўхшайди. Бизнинг вазифамиз Осмон Шоҳлиги номидан «Бу Хушхабар» ва «Бу одамлар Хушхабар фуқаролари» деб расмий баёнотлар беришдир.”

Сизнинг вазифангиз: Аммо кейин мен уларга алоҳида шахслар сифатида насиҳат қиламан ва уларнинг ҳафталик мажбуриятига нималар киришини тушунтираман: “Жамоатнинг вакили ва ўзингиз учун жавобгар шахс сифатида сизнинг вазифангиз *шогирд бўлишдир.*” Бу нима дегани? Ҳаётингиз учун ўзингиз жавобгарсиз, оилангизни севинг, ишга боринг, яхши қўшни бўлинг, жамоатга боринг, шогирд орттириш мақсадида ва шу билан бирга ҳар бир қилаётган ишингиз орқали жаннатнинг қандай эканлигини дунёга кўрсатиш учун атрофингиздаги дунёга ғамхўрлик қилинг. Сизнинг сўзларингиз ва амалларингиз биргаликда Шоҳ Исони ифодалайди.


	Бизнинг вазифамиз биргаликда ҳаракат қилиш	Сизнинг вазифангиз ҳамма жойда
Хулоса	Шогирд орттиринг	Шогирд бўлинг
Инжил матни	“Уларни... сувга чўмдириб... ўргатинглар...”	“... барча нарсаларга риоя қилишни ўргатинглар” (Матто 28:19-20)
Тасвирлаш	Элчихона	Элчи

ИККАЛА РОЛЬ ҲАМ ЖУДА МУҲИМ

Бизга айнан жамоатнинг вазифасини бажарадиган жамоатлар ва жамоат аъзоларининг мажбуриятларини адо этадиган аъзолар керак, шу билан бирга, ҳар бир масиҳий турли вақтларда иккала рольни ўзида мужассам этади.

Жамоатингиз жамоавий (конгрегатсия), пресвитериан ёки епископ бошқарув тузилмасига эга бўлишига қараб, шахсан сиз жамоатингизда ҳар хил расмий ваколатларга ёки “ўз фикрингизни айтиш ҳуқуқига” эга бўласиз. Ва албатта, ваъзхон энг юқори ҳуқуқга эга бўлади. Лекин сиз ҳам жамоат аъзоси сифатида у ерда бўлиш, эҳсон қилиш ва жамоатдаги ҳар қандай ишларни ўз зиммангизга олиш орқали ушбу хизматда иштирок этасиз. Барчангиз бир йўналишда ҳаракат қилаётганингиз учун “бутун тана бир-бирига боғланган бўғинлар орқали ўзаро уланиб ва бирикиб, севги билан ўзини барпо қилиши учун ўз меъёрида ҳар бир аъзонинг ғайратли ҳаракати бўйича танани ўстиради” (Эфесликларга 4:16).

Шогирд орттириш фаолиятини биринчи ўринга қўйиш, ўз ўрнида, бутун умрингиз давомида шогирд сифатида яшашга ва шогирд орттиришни доимо ёдда тутишга ундайди.



Якуний мисол: тўрт фарзандим кичик бўлган пайтларни эслайман. Сизни ишонтириб айтаманки, кун бўйи уйда болаларим билан бирга бўлган аёлим қўлидан келганича ҳаракат қилган бўлса-да, қўшнилариимизга Хушхабар айтишни ўз кундалик режасида биринчи ўринга қўймаган. У болаларнинг қорнини тўқлаб, уларнинг хавфсизлигини таъминлаб, ўз ақл-идрокини сақлаган ҳолда шунчаки кунни ўтказишни биринчи ўринга қўйди. Аммо кенгроқ миқёсда айтадиган бўлсам, у бизнинг тўрт қизимиз Масиҳни таниб-билишини ва ўзининг оналик вазифаси орқали қўшнилариимизга Масиҳ ҳақида гувоҳлик беришни хоҳлайди. Ахир, иккаламиз ҳам шу мақсадда ота-оналик қиламиз. Албатта, биз қизларимизнинг соғлиғига ва фаровонлигига катта эътибор бериб, уларни парваришлаб севамиз. Лекин энг муҳими биз уларни Масиҳга яқинлаштириш

орқали севамиз. Бизнинг жамоатга тегишли бўлишимиз, ҳар иккала вазифани ўз навбатида бажара олишимизга ёрдам беради.

Бутун жамоатнинг вазифаси нимадан иборат? Шогирдлар орттиришдан иборат. Ҳар бир жамоат аъзосининг вазифаси нимадан иборат? Халқлар Худони таниб билишлари, Унга ўхшаш ва Унинг улуғворлигини акс эттиришдан қувонч топишлари учун шогирд орттиришни биринчи ўринга қўядиган шогирд бўлишдан иборат (Матто 5:16; Эфесликларга 3:10; 2–Петрус 1:3-4; Ваҳий 7:9-12).

Муқаддас Китобга иқтибослар

Ибтидо

1-2.....	40
1-3.....	41
3-11.....	40
12.....	41

Чиқиш

34.....	49
---------	----

Левит

4.....	36
--------	----

Эстер

3:7-14.....	36
-------------	----

Санолар

50:6.....	36
-----------	----

Воиз

1:1-7.....	48
2:16.....	48
3:16.....	48
10:8-9.....	48

Ишаъё

10:1.....	36
13-19.....	36

Йермияҳ

31:31-34.....	43
---------------	----

Эзекел

36:24-27.....	43
---------------	----

Ҳошея

2:16-23.....	42
13:6.....	53

Матто

4:8-9.....	53
4:17.....	49
5:3-10.....	50
5:16.....	57, 64
10:28.....	54
16:19.....	56
16:26.....	53
18:18.....	49

18:18-20	56
18:20	49, 55
28:18	49
28:18-20	15
28:19	52
28:19-20	55, 62
28:20	58

Марк

9:48	38
------------	----

Луқо

10:25-37	36
----------------	----

Юҳанно

13:34-35	57
20:21	44

Ҳаворийлар

2:41	55
6:1	36
8:38	55
20:26-30	57

Ёқуб

2:1-7	36
2:16	36

1-Петрус

2:10	27, 42
2:12	57

2-Петрус

1:3-4	64
-------------	----

1-Юҳанно

2:3-5	46
3:2	43

Римликлар

3:23	35
5:8-9	42
6:23	35
7	46
8:21	43
8:30	43

1-Коринфликлар

3:17	49
10:17	56
10:31	50
11:1	57
12:4-10	50
14:25	50
15:1-5	42

2-Коринфликлар

2:342

5:2050

5:2142

6:1649

Галатияликлар

4:1-742

5:22-2350

6:148

Эфесликлар

242

3:1064

4:1326

4:15-1657

4:1627, 62

4:2957

Колосаликлар

3:1-1745

1-Фессалоникаликлар

1:6-757

2-Фессалоникаликлар

3:757

1-Тимотий

4:1657

Ибронийлар

9:2349

12:2249

13:757

13:1757

Ваҳий

7:9-1264

20:11-1535

2143



9 Белги

СОҒЛОМ ЖАМОАТЛАР ҚУРИШ

Сизнинг Жамоатингиз Соғломми?

9 Маркс (9 Белги) хизмати Худонинг улуғворлигини соғлом жамоатлар орқали халқларга намоён этиш учун жамоат етакчиларини Каломий қараш ва амалий ресурслар билан қуроллантириш мақсадида фаолият кўрсатади.

Шу мақсадда биз жамоатларга кўпинча эътибордан четда қоладиган тўққизта соғлом жамоат белгисида ўсишига ёрдам беришни хоҳлаймиз:

1. Экспозицион ваъз қилиш
2. Хушxabар таълимоти
3. Юқоридан туғилиш ва Хушxabар тарқатиш бўйича Каломга асосланган тушунча
4. Жамоат аъзолиги бўйича Каломга асосланган тушунча
5. Каломга асосланган жамоат тартиб-интизоми
6. Каломга асосланган шогирдлик ва руҳан ўсиш
7. Каломга асосланган жамоат етакчилиги
8. Ибодат бўйича Каломга асосланган тушунча ва уни амалда қўллаш
9. Элчилик хизмати бўйича Каломга асосланган тушунча ва уни амалда қўллаш

9 Маркс (9 Белги)да биз мақолалар, китоблар, китобларга тақризлар ва онлайн журналлар ёзамиз. Биз жамоатлар Худонинг улуғворлигини намоён этишлари учун уларни қуроллантириш мақсадида конференцияларга мезбонлик қиламиз, суҳбатлар ёзиб оламиз ва бошқа ҳар хил ресурсларни тайёрлаймиз.

60дан ортиқ тиллардаги контент учун бизнинг веб саҳифамизга ташриф буюринг ва бизнинг бепул онлайн журналимизни қабул қилиш учун рўйхатдан ўтинг. Бизнинг бошқа тиллардаги веб саҳифаларимизнинг тўлиқ рўйхатини қуйидаги ҳавола орқали кўришингиз мумкин:

<https://www.9marks.org/international/>



marvaridresurslari.org
uz.9marks.org

**Жамоат масалалари бўйича
саволлар тўплами**



Кўпроқ китобчаларни
ва мақолаларни ўқиш
ва тинглаш учун
Марварид Хизматларининг
иловасини юклаб олинг!



Исо Масих маҳаллий жамоатларга буюк топшириқ берган. Аммо маҳаллий жамоатлар кўп ҳолларда Исо аниқ нимани буюргани ҳақида келиша олмайдилар ва ўз вазифаларини сиёсий ёки иқтисодий йўналишларга мослаштирадилар. Хўш, бу ҳақда Муқаддас Китобда нима дейилади?

Ушбу рисолада Жонатан Лиман Муқаддас битикларга таяниб, жамоатнинг асосий вазифаси шогирд тайёрлаш ва шогирд бўлиш эканини таъкидлайди. У имонлиларни Масихнинг чақириғига амал қилиш ва бутун дунёга Худонинг улуғворлигини намоён қилиш учун шогирд орттириш вазифасига итоат этишга чақиради.

Жамоатга доир саволлар туркуми жамоат ҳаёти ҳақидаги оддий ва кенг тарқалган саволларга жавоб бериш орқали Муқаддас Китобга асосланган таълим беради. Ҳар бир китобда Каломга асосланган жавоблар, соғлом жамоат амалиётини ва жамоатга садоқатни ривожлантиришга бағишланган материаллар тақдим этилган.

Жонатан Лиман (Ph.D., Уэльс университети) — 9 Белги ташкилотининг бош муҳаррири ва “Чўпон билан суҳбат” дастури бошловчиси. У ўндан ортиқ китоблар муаллифи ёки муҳаррири бўлиб, бир қатор семинарияларда дарс беради. Жонатан рафиқаси ва тўрт нафар фарзанди билан Вашингтон яқинида яшайди ва Чеверли Баптист Жамоатида (Cheverly Baptist Church) оқсоқол бўлиб хизмат қилади.



9 Белги

www.9marks.org